# ВИСОЛИНГГА ЕТГАНМАН

**Боши биринчи бетда**

Гоҳ ошкора, гоҳ зимдан: «Сизлар ўз-ўзларингни мустақил бошқаришга, мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар», «Сизлар муте, қарам миллатсизлар», «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амру-фармон берамиз, сизлар эса бажарасизлар, холос», деб миямизга қуйиб келишмаганми?

Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафкуранинг яккаҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик.

Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди.

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техника билан мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

Шунинг учун мустақиллик тафаккурини кенгроқ тушунишимиз лозим.

Бу тушунча аввало:

— Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш;

— ўзининг ва ўз халқининг, ватаннинг қадру қиммати, орномусини англаб, уни ҳимоя қилиш;

— юксак ғоялар, янги фикрий кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи учун элига бахшида этишдир».

Бу сўзларни энг қадрдон асардек ўқийман. Тиниқ ва теран фикрларда ҳар бир инсонга, ҳар бир мамлакатимиз фуқаросига ҳурмат, юксак эҳтиром сезилиб турибди. Ҳақиқатан мустақиллик тушунчасини жон қадар ҳис этишимиз лозим. Остонадан нарини кўра билмайдиган тўмтоқ фикр билан ватанда яйраб бўлмайди. Бу (мустақиллик) юртимизнинг бўйбасти билан ўлчанувчи сўз, деганди ўшанда Ислом Каримов маърузасидан олган ўз таассуротларини ўртоқлашиб шофирконлик қадрдонларимдан бири.

Мустақиллик ва истиқлол фалсафаси ҳақида профессор Нарзулла Шодиев билан қилган суҳбатимизни эслайман:

— Астронавтлару космонавтлар эътирофича, она-заминнинг икки нуқтасидан кўкка доимо аланга ўрлаб турармиш. Бири — Маккаи Мадинадан, иккинчиси — Туронзаминдан, аниқроғи, Қизилқум ва Қорақум туташ нуқтадан. Бу кашфнинг рост-ёлғонлигига кафолат беролмасам-да, лекин табиий бир қонуниятни четлаб ўтолмайман. Бу заминнинг ости ҳам, усти ҳам турган-битгани хазина, тўтиё ва илоҳий. Эҳтимол, шу боис бу муқаддас тупроқ фарзандларининг маънавий мерослари шунчалар бойдир. Ҳаёт Шарқдан бошланган деган ақидалар, эҳтимол, ҳақиқатга яқиндир. Маърифат, маданият, маънавият, илоҳиёт сарчашмалари қутбларни туташтириб, меридианларни бир-бири билан боғлаган ҳолда (буни кейинчалик илм дунёси Шарқу Ғарб маънавий-урфоний муштараклиги, маданий ворисийлиги, деб баҳолади) одамларни мулоқотга чорлайди. Дунё ривожида камолотнинг яхлит ҳалқаси ана шу тарзда юзага келди. Ушбу қонуниятга асосан маърифат ва мағфиратлик бир қутбдан иккинчисига, бир оламдан бошқасига кибернетик аниқлик билан ўтиб турди, яна айланиб ўз ибтидо нуқтасига қайтди. Жонли жараён! Шарқдан бошланган эди ҳаёт! Осиёнинг марказида, Туронзаминда юзага келган келажаги порлоқ мустақил давлатлар ушбу муқаррарликнинг Аллоҳ насиб этган ҳақиқатидир. Аллоҳ иноятини биз бандалар жисму жонимиз, руҳи-равонимиз, шууру туйғуларимиз билан кечинсаккина, унга арзисаккина уни омон сақлаб қоламиз.

Эҳтиёж кишини кашфиётчига айлантиради. Туронзамин фарзандлари ўз қатъиятли сардорлари етакчилигида ана шундай улуғ ихтирочиларга айланди, айланажак!

Олимнинг сўзларини тинглаб ўтириб, мен маънавият шу бўлса керак деган хулосага келдим. Ҳа, маънавиятимизни тарбия қилайлик, эртага у бизни қутқаради, маърифий дунё тахтига чиқаради. Турон Истиқлолининг Ҳумо қуши Истиқбол уфқларига тўш урмоқда, бу — давлат рамзи ва унинг қанотлари мустаҳкам!

Туронзамин мустақиллигини бошлаб берган Ўзбекистон юрти, ўзбек халқи, унинг пешвоси ҳамиша омон бўлсин, пок ниятлари вожиб бўлсин!

* * *

Мустақиллик сўзи ила шул оқшом бир-биримизга эркалангандан эркаландик. Ардоқли, суюкли сўзнинг чеҳраси равшан, тани бақувват, энг муҳими соғлом.

Тун алламаҳал бўлди. Хаёлимда тепамда Лайлатул-қадр учиб ўтаётгандек туюлди.

— Тила тилагингни, тилагинг вожиб бўлади, — дегандек нидо келди.

Айтдим тилагимни, баралла айтдим.

**Дилмурод ЖАББОР**

---

Эркин АЪЗАМ

# ИШҚ БОШҚА, ҲАВАС БОШҚА

## Воқелигимиз ҳақида ўйлар

***Масъул паллада ўз тақдирини ишончли, билимли ва ғайратли шахсларга топшира олмаган миллат ўз бахтига зомин, келажакдан маҳрум бўлади. Ва аксинча, келажаги буюк бўлишини истаган миллат ўз тақдирини улуғ мақсадга эга, олижаноб, қатъиятли, маърифатли инсонларга ишонч билдириб топширган ҳолдагина ўз муродига етади.***

**Ислом КАРИМОВ**

Яхши халқмиз. Яхши халқларга хос жамики фазилат ва баъзи нуқсонлар бизга ҳам бегона эмас. Эскидан қолган одатларимиздан бири — қуллуқчилик. Бўлса-бўлмаса қуллуқ қилишни хуш кўрамиз. Айниқса — тиригида, айниқса — отдалигида. Отдан тушгач эса — баъзан тепиб-тепкилаб гўрга тиқмагунча тинчимаймиз.

Яхши халқмиз. Мансабпарастларни ич-ичимиздан ёмон кўрамиз, ғийбатини қиламиз: «Тўғри-да, қорнини қаппайтириб машиналарда юради, умри — сайру саёҳат, қўл остидагиларга дўқ уради, пора олади, қўша-қўша қасрсимон иморатлар қуради, арзанда ўғлига «иномарка» олиб беради, булардан ортганини... сарфлайди. Бари бизнинг ҳисобимизга, халқнинг ҳисобига!»

Гадонинг душмани гадо бўлармиш. Келинг, мардонасига тан олайлик, бу гапларнинг замирида бошқа туйғу ҳам ётибди: нега мен эмас, дейлик у... машинада юради, нега мен эмас, анови уй қуради, нега мен эмас, фалончи олади, ейди, ичади, нега мен эмас, мен эмас?.. Бу туйғу ҳалол меҳнат, қобилият, соҳибкорликкагина эмас, яккаш берсанг ейман — урсанг ўламан қабилидаги «ижтимоий тақсимот»га асосланган, ҳаммани ўзига боқим ва тирик товон қилган кечаги тузумдан қонимизда қолган мерос. Келинг, кўнгилни кенг қилайлик. Бунақалар илгари ҳам бор эди, ҳозир ҳам бор, ишонаверинг, бундан кейин ҳам бўлажак.

Лекин, ватанни ватан, миллатни миллат қиладиган шуларми? Агар шулар бўлса, бу юрт аллақачон ер юзидан ўчиб, бу миллат аллақачон завол топиб кетарди. Хайрияткки, ундай эмас.

Китоби шарифларда ёзилганидек, бу оламда ҳамма кимгадир бошлиқ, кимнингдир олдида масъулдир. Ўн қўшчига — бир бошчи, деймиз-ку! Бу — жамият бошқарувининг азалий тартиби. Бинобарин, саждага бош қўйган мусулмоннинг олдида пешвоси бўлгани каби, юртнинг ҳам етакчиси, йўлбошчиси бўлмаса, оломон оломонлигига бориб, бошбошдоқлик кўпаяди, жамият парокандаликка юз тутади.

Шубҳасиз, гап раҳбар шахсдаги қобилияту масъулиятнинг зўрлигида, гап мақсад-муддаонинг ҳалол-покизалигида!

Гоҳо ўйлаб қоласиз: кейинги ўн йилларда баъзи бир нохушликлар, бўлар-бўлмас шовқин-суронлар, ваҳималару ақл бовар қилмас воқеа-ҳодисаларга сабаб нима?

Ҳар бир даврнинг ўзига хос иллатлари, касалликлари бўлади. Жамият тараққиётининг маълум қонуниятлари билан изоҳланади бу ҳол. Бизнингча, ўша йилларда «дилетантизм» касали кучайиб кетди. Демократия баҳона бу иллатга кенг йўл очилди. Эркинлик, демократия, деб, дуч келгани билган номаъқулчилигини касб қилди. Бирон бир соҳада чала-чулпа тасаввурга эга бўлгани ҳолда ўзини шу соҳанинг комил билимдони каби чоғлаган одамни овруполиклар «дилетант» деб атайди. Биз бунақаларни «чаламулла» деймиз. Унинг фаолияти аксарият ҳавасмандлик ёки пахтабанд даъвогарликлар асосига қурилган бўлади. Чунки, ҳой, сен ўзинг кимсан, нима кароматт кўрсатгансан, деб сўрайдигани йўқ. Шунақа одам топилиб қолса, уни янгилик душмани — даққиликда, борингки, демократияга қаршиликда айблаш одат тусига кирди. Бунақа ёрлиқлардан эса... худо асрасин!

Мана, сизга кенг йўл! Хоҳланг, сочингизни энсагача ўстириб, ўзингизга ўхшаган уч-тўртта бекорчини гирдингизга йиғинг-да, бақироқ бир номда ансамбл тузиб олинг. Овоз-повоз, қобилият-побилият бўлиши асло шарт эмас. Ҳозир техника ўсиб кетган, димоғингизда хиргойи қилиб турсангиз — бас, у ёғини ўзи қотириб беради. Бирортаси ғиринг деб кўрсин-чи!

Бадиий ижодга майлингиз қанақа? Балли, унда шеъру наср деб бошингизни қотириб ётманг, турган-битгани азоб! Уч-тўрт сўзни бир амал қофиялаб, бирон бир замонавий ҳофиз ёки ҳофизани қўлга олсангиз — кифоя, уч кунда машҳури жаҳон бўласиз-қоласиз! Бели бақувватроқ ҳомий ошнангиз бўлса-ку, нур устига нур — тарихда қолдим деяверинг! У нашриётга озроқ пул ўтказса — қозон ҳам мой, чўмич ҳам: ҳам «бадиий адабиёт ривожига ҳисса қўшган» бўлади, ҳам сизнинг кўнглингизни топади, ҳам тегишли ташкилотларга тақдим этадиган маълумотномасида оғиз кўпиртириб ўзининг санъатга нақадар ҳомийлигини писанда этади-ю тегишли жазо ёки жарималардан қутулиб қолади. Сиз эса «китобингиз»да кўнглингиз тусаган нарсани чиқарасиз: хоҳланг — хом-хатала, «жўқиёна» шеърларингизни тиқинг унга, хоҳланг — хотинингиз ёки маъшуқангиз билан тушган илк ёшликдаги фотосуратларингизни жойланг, бирови ғинг этиб кўрсин-чи! Изоҳ ёзиш ҳам ихтиёрингизда — ўзингизни «истеъдодли шоир» дейсизми, «таниқли шоир» дейсизми...

Бу бўлмаса, бошқа йўли ҳам бор. Соч-соқолни қўсқи қилиб ўстиринг, атрофингизга уч-тўрт одамни тўплаб, бирор жойдан кинокамера топинг-да, тезда ишга киришинг. Бу соҳанинг ҳам сир-асрорини тўлиқ ўзлаштириш шарт эмас. Дунёда нима кўп, олди-қочди кўп ёки ундан ҳам харидорбопи — пана-пастқамдаги беҳаёликлар дейсизмией...

Яна бир маслаҳат. Бунисиям зўр. Ўзингизни минг бир дардга шифо топган мўъжизакор табиб деб жар солиб юборинг, бунинг ҳам йўли осон...

Қисқаси, кўриб турибсиз, бу каби «фаолият» кўрсатиш учун махсус бир билимга эга бўлиш ёки малака эгалламоқ учун машаққат чекишлар шарт эмас. Озгина ғаюр истак, озгина ғаюр ғайрат-ҳафсала, озгина сурбетлик бўлса — кифоя, марра сизники!

Майли, жамият ҳаёти мустаҳкам бир изга тушиб, бу каби «оғирнинг устидан — енгилнинг остидан» қабилидаги алдам-қалдам товламачиликлар барҳам топиб кетар. Бир қарашда бу хил орзумандлик, ҳавасмандлик унчалик хатарли ҳам эмасга ўхшайди. Эрта — бир кун эл ўзи ҳаммасининг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб олади.

Лекин, ҳаётда шундай соҳалар борки, бунда одатдаги ҳавасмандликнинг ўзи камлик қилади. Бунда муайян билим, қобилиятдан ташқари юксак эътиқод, масъулият, фидойилик каби зўр хислатлар ҳам заруур бўлади. Бундай соҳалар сирасига биз кўпинча инсон ҳаёти билан иш кўрувчи шифокор ва бошқа тоифаларни киритамиз.

Хўш, биргина инсон эмас, кўплаб одамларнинг ёки бутун бошли халқнинг тақдири учун жавобгар, Ватан ва унинг келажаги учун масъул кишилар-чи, улар бу тоифага кирмайдими?

Ажойиб халқмиз. Ҳаммамизнинг иш бошқаргимиз келади. Гўёки дунёда бундан осон, бундай қулай нарса йўқдек. Мансабдорларга ҳавас қиламиз, қўлимиздан келса-келмаса, ўлиб-тирилиб бирор мансабга илиниб олишга интиламиз. Раҳбарликка санъат ёки ҳунар деб эмас, балки касб, касб бўлганда ҳам энг сердаромад, энг ҳузур-ҳаловатли касб деб қараймиз. Дарвоқе, бундай фикрга келишимизга — яшириб нима фойда, ҳамма билади-ку ўтмишдан қолган «асос» кўп. Дейлик, яқин-яқингача раҳбарликка муайян касб деб қаралардии. Касбингиз нима, дейилса, партия ходими, демоқ фахр саналарди. Партия ходими бўлсангиз, бас, жонажон партиянгиз сизни истаган жойига раҳбар қилиб жўнатади. Ҳар ер, ҳар ишда бошлиқсиз. Пешонангизга битилган мангу ёрлиғ бу. Бугун ҳаммом директори бўлсангиз, эртага бирор ижодий ташкилотга раҳбар этиб тайинлашлари ҳеч гап эмас эди. Сиз у ерни ҳам ҳаммом каби «кўтариб» бермоғингиз лозим бўларди, бу — сизга билдирилган юксак ишонч. Сизнинг мазкур соҳага раъй-хушингиз борми-йўқми, ундан хабардормисиз-йўқми, бу соҳада билимингиз етарлими-йўқми — суриштириб ўтирилмас эди, партиявий топшириқ бу, касбингиз раҳбарлик бўлганидан кейин юборилган жойга бормоғингиз, топширилган вазифани бажармоғингиз шарт эди!

Ана шундай нобоп, кулгили ҳоллар ҳам бўлгани учун биз яшириб нима қилдик курси эгаларига, умуман, раҳбарликка пинҳона бир истеҳзо билан қараб келдик. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, яқин ўтмишда масалан-да, келиб-келиб маданият вазири бўлишга даъвогарлик қилса, кулгили эмасми?! Ёки, асл касби дўхтирлик бўлган одам, касал даволашни қўйиб, тиббиётдан бутунлай бегона бир соҳага «хўжайин»лик қилиб ўтирса!.. Ҳарчанд уддабурон бўлгани билан барибир... чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйса-да!

Ана шулар туфайлимикан, раҳбарлик ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган жўн бир иш-да, деган тушунча пайдо бўлган. Албатта, тўрт кишига бошчилик қилмоқ ҳам барчага насиб этавермайди. Ҳангилар бозорига даллоллик тўғрисидаги нақлни эса яхши биламиз.

Жамиятда шундай лавозимлар ҳам борки, бошқарув эътибори билан у ягона, уни маълум давр эгалламоқ бир кишининггина пешонасига битилган бўлади. Аммо у лавозимнинг даъвогару орзуманди бир талай. Табиий ҳол бу. Элчига ўлим йўқ, орзуга — қамчи. Ана шу лавозим насиб этган одамнинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам шундаки, бировнинг хонадонида шод-хуррамлик бўлса ҳам ўша кишининг номи билан боғланади, мамлакатнинг олис бир гўшасида кимнингдир томорқасини сув босса ҳам — шу одам айбдор.

Биз у одамга ҳавас қиламиз, лекин ҳасад қилгувчилар ҳам топилади. Чунки, олиймақом бу фаолиятнинг фақат сиртқи жиҳатлари элга маълум. Ана шу зоҳирий тантанаворлик замиридаги меҳнату машаққат, азобу изтироблардан дарак топса, аминмизки, бу ишга ҳавасмандлар сафи ниҳоятда сийраклашиб қолган бўлур эди. Зиммадаги зилдек масъулият у кишининг кўнглидаги оддий инсонга хос ҳою ҳавасларни қувиб, лафзига «Мен ҳар куни ўзимни мамлакатдаги энг қашшоқ одамнинг ўрнига қўйиб кўраман», деган фидойи калималарни жойлайди, бинобарин, у ҳаётини, умрини Ватан равнақи, миллат истиқболига тикқанини таъкидлаб чарчамайди.

Хўш, қилинаётган ишларнинг бари текис, равон кетяптими? Тепада яратган эгамнинг ўзи кўриб турибди. Бу ҳали ҳеч ким юрмаган йўл. Минг бир ўнқир, минг бир чўнқири бор, мудом шуларга тайёр турмоқ лозим. Ҳузур-ҳаловатдан, оддийгина инсоний қувончлардан-да воз кечиб, туну кун улкан мамлакатнинг ҳаёт-мамот ташвишини зиммага олиб таҳлика остида яшагандан кўра, анови «қориндор»лардан бирига айланиб бир чеккада юрган афзал эмасми? Ахир, чоққина бир оилани эплаш қанчалик қийин! Бир чумчуққа ҳам дон, ҳам сув деганларидек, бола-бақрангиз ҳар хил, феъл-атвори турлича, ҳар бирига алоҳида сўз, алоҳида муомала керак бўлса. Ҳамманинг кўнглини бирдек топиб бўладими? Ҳар ишда Темур бобо орзу қилган адлу инсоф торозусини тенг тутиб иш кўрмоқ осонми?!

Адолат қилмоқнинг энг оқилона йўли — жамиятда мувозанатни сақламоқдир. Ахир, салла деса, каллани кўтариб келадиган, мияни ишлатиш лозим бўлган жойда эса ўйлаб ўтирмай, энг тайёр, энг қулай ва ҳам энг жоҳилона қуролни қўлламоққа ҳар дам шай турган арбобларимиз, тўраларимиз каммми?!

Ҳаваскору ҳавасмандларники безарар, худо даъвогарлардан асрасин, шулар қўрққулик! Майдонда кураш тушмоқнинг муайян қонун-қоидалари бор. Енгилган одам, одатда, рақибига тан бериб, жимгинагина даврадан чиқиб кетади. Даврани тарк этгач, куч йиғади, усул ўрганади, ўзини пишитади — янги курашларни кутади. Курашда йиқилиб, рақибнинг оёғига ёпишган ёки уни чалиб йиқитмоқчи бўлганни ғирром, номард санайдилар. Ўлдирса — мард ўлдирсин, деган гап бекорга айтилмаган.

Демократик кураш ҳам аслида ана шундай адолатли, ҳалол куч синашувдан иборат бўлмоғи лозим. Таассуфки, кўпинча демократияни қурол қилиб олиб, рақибимизни чалишдан, уни ёмонлашдан, ҳар йўл билан бадном қилишдан тоймайдиган бўлиб қолдик. Ахир, эл билади-ку кимнинг кимлигини! У, ўл бу кунингдан, енгилган эдинг-ку, энди ҳаддингни билсанг-чи, демайдими?!

Сиёсий ҳаётимизда ҳаваскор сиёсатчилар — дилетантлар кўпайгани каби уларнинг кураш усуллари ҳам кўпайди. Чет элга чиқиб олиб, Ватандаги рақибларига тош отиш одат тусига кирди — беҳавотирроқда. Лекин — мардликми бу? Аввалига бу ҳол четга хуш келади — ўзиники камдек, бировларнинг муаммолари, хато-камчиликларини билиш одамга ёқади, кўнгли юпанч топади-да: худога шукр-э, биттагина бизда эмас экан бунақаси! Қолаверса, шу йўл билан маълум таъсир ўтказиш, бора-бора буни тазйиққа айлантириб, хўжайинлик қилиш ҳам мумкин бўлади. Сиёсатнинг минг бир ўйин, бир минг бир найранги бор.

Агар четга чиқиб мамлакатимизни мақтайверсангиз, улар ҳам бошда сизни мақтайди: яша, ватанпарвар экансан! Аммо бир кун мақтайди, икки кун мақтайди, кейин малол келади: ватанингни бунчалик севар экансан, шу гапларни юртингга бориб айтсанг бўлмайдими? Негаки, халқнинг руҳиятида иккиланиш, ўзга юртга ортиқча ҳавас пайдо бўлишидан у ҳам чўчийди.

Бинобарин, чет элдаги маълум доираларга ватанини сотган ёки сотмоққа мойил — қандай пулламоқни билмай турган, радиога чиқиб ёки газетага ёзиб ёмонлайдиган мухолифлар жуда керак, уларга кенг йўл, марҳабо, марҳабо! Кейин шу тариқа халқига таъна қилади: қаранг, уларда қандоқ ёмон!..

Ҳар қанақа сиёсатни танқид қилиш мумкин, албатта. Бироқ танқиддан мақсад ғараз бўлмаслиги керак. Танқид — келажакнинг меваси, дейдилар, лекин ҳамма бу ўринда ўзини эмас, ўзгани тушунади. Танқидга берилиб кетиб, камчилигу хато қидира-қидира, ахийри «Нега бу одам овқат ейди, нега бу одам чой ичади?» қабилидаги бемаъни тирғалишларга бориб қолиш ҳам ҳеч гап эмас.

Хўш, мухолифларнинг ўзи ким, муддаоси нима? Бунинг изоҳи кўпинча биз кутган, биз ўйлагандан кўра жўнроқ: кимдир кимдандир норози, кимдир кимдандир аразда, кимгадир унвон тегмай қолган, кимдир амал дардида, кимдир мансаб гадоси... Ҳаммага етмайдида. Аммо, таассуфки, ана шу майдагина истак-хоҳишлар, майллар аксарият «демократия», «инсон ҳуқуқлари», «ватан озодлиги» каби юксак тушунчалар билан ниқобланган бўлади. Қоидаси шу, азал-азалдан!

Демократиянинг тамал тоши — адолат тамойилидир. Уни тўлиқ қарор топтириш бир-икки йиллик иш эмас. Айниқса, кечагина мустабид тузумдан халос бўлган миллат бунинг учун жамият миқёсида муҳимислоҳотларни амалга оширмоғи лозим. Демократияга «оғир синов ва курашларга бардош берибгина эришиш мумкин».

Дарвоқе, ажабланадиган нарсанинг ўзи йўқ бу дунёда! Азалдан шундай: кимдир азоб-изтироблар, хатокамчиликлар билан бўлсин, бу оламда нимадир яратади, қуради, бунёд этади, бошқа биров эса умр бўйи шундан хато қидириб, танқид қилиб, ёмонлаб кун кўради. Ҳар кимнинг феълига, ниятига яраша беради худойим. Бу дунёда кимнинг тутган йўли элга манфаатлироқ, кимнинг аъмоли самаралироқ эканини айтмоқ учун каромат қилиш, фол очиш шарт эмас.

Вақт — энг олий ҳакам.

Халқ — энг олий ҳакам.

---

# ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТНИНГ ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг вилоят ташкилотлари конференсиялари ўтганига саккиз ой бўляпти. Шу орада Миллий тикланиш демократик партияси фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлди, партиянинг ташкилий ишлари қандай уюштирилмоқда? Агар қисқача тўхталсак, бу давр вилоят ва туман, шаҳар партия ташкилотлари раислари, уларнинг ўринбосарлари, раёсат аъзолари учун синов даври бўлди. Чунки улар олдида ҳар бир туман, шаҳарда партия ҳаётига қизиқадиган, ташаббускор, жамоатчи, кўпчилик ҳурмат қиладиган, чаққон ва билимдон кишиларни фаолият доирасига тортиб, таъсис конферентсиялари ўтказиб, ишларни жадал бошлаб юборишлари лозим эди. Олайлик; Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах вилоятларини.

Қашқадарё вилоят партия ташкилоти ўтган йилнинг июн ойида ташкил этилган бўлса, шундан буён бу ерда вилоят партия ташкилоти ҳайъати раиси Самаджон Шойқулов ва унинг ўринбосари Музаффар Ражабовнинг фаол саъй-ҳаракати натижасида июн-август ойлари орасида Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларида, Баҳористон, Деҳқонобод, Қамаши, Қарши, Косон, Китоб, Муборак, Нишон, Касби, Шаҳрисабз, Усмон Юсупов, Чироқчи, Яккабоғ туманларида партиянинг таъсис кенгашлариўтказилиб, туман кенгаши раёсати, ҳайъати, тафтиш гуруҳи аъзолари сайланди.

Сирдарё вилоятидан ҳам Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси вилоят партия ташкилоти ҳайъати раиси Акромжон Каттабеков ва унинг ўринбосарлари Ширингул Саидова, Олимжон Хайруллаев жиддий иш олиб бордилар. 1995 йилнинг июл-август ойларида Сирдарё вилоятининг барча туман, шаҳарларида партиянинг таъсис конференсиялари бўлиб ўтди. Сирдарё вилояти партия ташкилотининг вилоят саноат қурилиш банкида ҳисоб рақами очилиб, вилоятдаги тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтди. Ҳозирги кунгача партия аъзолари сафига 300 дан зиёд аъзо қабул қилинди.

1995 йил август ойида Жиззах вилоятида ҳам Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг туман, шаҳар партия ташкилотларини тузишга катта эътибор берилди. Пахтакор, Ғаллаорол, Зарбдор, Жиззах туманларида партиянинг таъсис конференсиялари ўтказилди.

Партиянинг кучи унинг ташаббускорлиги, аъзолари сонининг муттасил кўпайиб боришига боғлиқ. Ҳозир Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси сафига кирувчилар кўп. Буни «Миллий тикланиш» газетасига келаётган хат-хабарлардан, Марказий ҳайъатига қатнаб турган кишиларнинг мурожаатларидан ҳам сезса бўлди. Энди кундалик муҳим вазифа — туман, шаҳар партия ташкилотлари ўзларининг фаоллари билан бирга турли сиёсий-маърифий тадбирларни ўтказиб туришлари лозим. Бу тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент фармонлари мазмунини халққа етказиб беришга хизмат қилади. Бу ишлар маҳаллалар, дам олиш масканлари, клуб, кутубхоналарда, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа жойларда амалга оширилиши мумкин.

Сирдарё вилояти партия ташкилоти кинотеатрлар, меҳнат жамоаларида учрашувлар ўтказиб, хайрия киносеанслари ташкил этиб, тушган пулларни муҳтож кишиларга ёрдамга ажратмоқда.

Қашқадарёда ҳайъат аъзолари меҳнат жамоаларида, маҳалла йиғинларида партиянинг мақсад ва вазифалари, янги ижтимоий босқичдаги ўрни, партиянинг Устави, Дастурида кўрсатилган талаблар, партия аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

Миллий тикланиш ташкилотлари Президент И. А. Каримовнинг рисолалари ва «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асари бўйича илмий-амалий анжуманлар ўтказишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Бу тадбирларда вилоятдаги таниқли иқтисодчи, ҳуқуқшунос олимлар шу куннинг долзарб муаммолари ҳақида қизиқарли суҳбатлар қилмоқдалар. Жиззах вилояти партия ташкилоти ҳайъати (раиси Ўрол Носиров) вилоят ҳокимиятига «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўрганиш бўйича раҳбар ва мутахассислар учун 24 соатлик иқтисодий, маърифий ўқиш дастури ва тавсияларини ишлаб берди.

Вилоят партия ташкилотлари «Туркистон — умумий уйимиз» мавзулари доирасида ҳамда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган қатор тадбирлар ўтказмоқдалар. Бу каби учрашувлар, йиғилишлар, давра суҳбатларида Миллий тикланиш демократик партиясининг сиёсий, маънавий маърифий-тарбиявий ишлари ҳақида фикрлар юритилди. Қашқадарё вилояти партия ташкилотининг октябрда бўлиб ўтган йиғилишида ҳайъат раиси С. Шойқулов мустақилликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ислоҳотларни самарали олиб боришда партия аъзоларининг роли ва вазифалари ҳақида маъруза қилди. Ҳайъат қуйидаги муҳим қарорни қабул қилди:

1. Миллатларнинг ўз-ўзини англаш, ҳар бир фуқарога Она-Ватанга муҳаббат туйғусини сингдириш, тарихимизни ўрганиш, кишиларда мардлик, ҳалоллик, жасорат, шукроналик каби хислатларни шакллантириш;

2. Партия сафларида миллатнинг етук маданиятли ва билимли, халқпарвар ва ватанпарвар фарзандларини бирлаштириш;

3. Республикамизнинг вилоят ва туман, шаҳарлар иқтисодиётини ривожлантириш ва Миллий тикланиш демократик партияси молиявий аҳволини яхшилаш борасида ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий корхоналар ва фирмалар билан ҳамкорлик қилиш;

4. Барча фуқаролар онгига «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясини сингдириш;

5. Миллий манфаатлар йўлида жамиятдаги барча партиялар, ҳаракатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

6. Кам таъминланган оилалар, болалар уйлари, қариялар, етим-есирларни ижтимоий муҳофаза қилишда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

Шунингдек, мазкур қарорда вилоят, шаҳар ва туманларда тарихий обидаларни излаш, тиклаш ва таъмирлаш борасида мутасадди ташкилотлар, жамоатчилик билан узвий боғланган ҳолда иш олиб бориш;

Вилоят фуқаролари тинчлиги ва осайишталигини таъминлаш мақсадида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашда турли чора ва тадбирларни амалга оширишда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Ҳозирги замон тараққиётида энг муҳим бўлган миллатимизнинг илмий-техникавий салоҳиятини юксалтириш борасида иш олиб бориш каби масалалар ҳам кўрсатилди.

Бошланғич партия ташкилотлари партиянинг асосий, Марказий ва вилоят, туман, шаҳар партия ташкилотлари томонидан қабул қилинган қарор ва тавсияларини амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун бошланғич партия ташкилотларини тузишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Бу борада ҳам Сирдарё вилоятида маълум даражада ишлар олиб борилмоқда. Бу ерда вилоят партия ташкилоти бошлиғи партия ташкилотлари ишини ўрганиш ва уларга ёрдам бериш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Масалан, вилоят партия ташкилотининг иш режасига «Меҳнатобод туман Кенгашининг бошланғич партия ташкилотларини такомиллаштириш борасида олиб бораётган ишлари», «Туман ва шаҳар Кенгашларини такомиллаштиришда ва партия аъзолари сафларини кенгайтиришда вилоят Кенгаши ҳайъати аъзоларининг вазифалари» каби масалалар киритилган.

Кўриниб турибдики, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах вилоятларида партиянинг ташкилий ва оммавий, маданий, маърифий ишлари бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шулар билан бирга партия сафларига кўпроқ аъзолар тортиш ва айниқса, партияга ёшларни кенг жалб этиш доим диққат эътиборимизда туриш зарур.

Ҳар бир партия ташкилоти қанчалик ташаббускорлик, тадбиркорлик билан иш олиб борса, одамлар ўртасида эътибор ва қизиқиш, ишонч шунчалик кучаяди.

Партиямизнинг олиб бораётган ишларини халққа танитишда «Миллий тикланиш» газетасининг ўрни алоҳидадир. Шунинг учун мазкур газетага обуна бўлиш, вилоят, шаҳар ва туманларда партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида газета орқали ўртоқлашиш катта аҳамиятга эга.

Бу йил Ўзбекистон республикасининг мустақилликка эришганига 5 йил тўлади. Ўзбекистон Миллий тикланиш партияси, вилоят ва туман, шаҳар партия ташкилотлари бу муҳим санани унга муносиб ҳисса қўшган ҳолда кутиб оладилар.

**Тошпўлат ТОШЛОНОВ,**
**Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Ҳайъати раисининг ўринбосари**



Рамазон — руҳият тиниқадиган ой

